



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz


2022 йил 30 март, № 66 (8128)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 29 март куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида Туркия Республикаси Президенти ва унинг рафиқасини Президент Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси кутиб олди.

Таъкидлаш лозимки, Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Халқларимиз кўп асрлик тарихи, тили, дини, қадриятлари ва муштарак урф-одатлари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч асосидаги дўстона муносабатлар бугунги кунда изчил мустақамлаб бормоқда.

Туркия етакчиси давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди. Меҳмонга мажмуада акс эттирилган тарих ва мазмун ҳақида сўзлаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, бу хорижий давлат раҳбари ташрифи чоғида "Янги Ўзбекистон" боғида ўтказилган биринчи шундай маросим бўлди ва келгусида анъанага айланади.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоган шохсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркия давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул тантанали равишда давлат раҳбарлари олдидан саф тортиб ўтди.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган тор доирада музокара-лар ўтказди.

Етакчилар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишончга асосланган

кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва мустақамлаш юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда асосий эътибор стратегик шериклик муносабатлари даражасини юксалтириш, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, парламентларо, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига қаратилди.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар даражасида доимий мулоқотлар йўлга қўйилган. Олий даражада эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоган кооперация лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш орқали савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада ривожлантириш Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигининг муҳим йўналиши эканини қайд этдилар.

Шу маънода, мамлакатлари-

мизнинг катта салоҳияти ва имкониятларини, жумладан, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия механизидан фаол фойдаланиш орқали рўёбга чиқариш зарурлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашаркан, мамлакатларимизнинг позициялари ўша эканини қайд этдилар. Кўп томонлама халқаро институтлар доирасида ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Шундан сўнг Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия етакчиси кутлар экан, ўзаро ҳамкорликда янада ривожланиши бўлиб ўтди. Шавкат Мирзиёев Туркия етакчиси кутлар экан, ўзаро ҳамкорликда янада ривожланиши бўлиб ўтди. Шавкат Мирзиёев Туркия етакчиси кутлар экан, ўзаро ҳамкорликда янада ривожланиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбе-

кистон кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш ва мустақамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган мамлакатларимизнинг қардошлик ришталарига асосланган стратегик шериклиги барча соҳаларда ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ривож топаётганини алоҳида қайд этди.

Икки мамлакат етакчиларининг расмий ташрифлари ва мунтазам мулоқотлари сиёсий мулоқотни мустақамлашга хизмат қилиб, сермаҳсул амалий шериклик учун кенг имкониятлар очди.

Савдо ва инвестиция соҳаларида алоқалар жадал ривожланмоқда. Жумладан, кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш 2,5 баробарга ўсиб, 3,6 миллиард доллардан ошди. Қўшма корхоналар сони 5 баробар кўпайиб, 2 мингдан ортди. Инвестициявий ҳамкорлик кўрсаткичлари 70 баробарга ўсди.

Ўзаро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш мақсадида томонлар шериклиқни, шу жумладан, савдо ва иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт, тўқимачилик, энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар алмашинув каби соҳаларда янада кенгайтиришни устувор йўналишларига батафсил тўхталдилар.

Ўзбекистондаги ислохотлар борасида ҳамкорлиқни мустақамлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш, фан, таълим, санъат, кино, туризм ва ахборот соҳаларидаги шериклиқни чуқурлаштиришга келишиб олинди.

Ҳамкорлик қўламини кенгайтириш бўлиб ўтди. Туркия Президент Режеп Таййип Эрдоган ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Музокаралар якунида Режеп Таййип Эрдоган Шавкат Мирзиёевга икки томонлама Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Туркияга ташриф билан келишни таклиф этди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг мамлакатимизга ташрифи доирасида яна бир муҳим воқеа — Тошкент вилоятида замонавий иссиқлик электр станциясини қуришишни бошлаш маросими бўлди. Ушбу лойиҳалар Туркиянинг «Cengiz Enerji» компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев маросимда нутқ сўзлар экан, лойиҳаларнинг

аҳамиятига тўхталди, ушбу мажмуалар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик самараларининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади. Охирги бир йилнинг ўзида Туркия компаниялари билан биргалликда Ўзбекистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодиёти учун жуда муҳим бўлган 5 та йирик энергетика лойиҳаси амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Хусусан, ушбу станцияларнинг умумий қуввати бугунги лойиҳалар билан қўшиб ҳисоблаганда 1,4 минг мегаваттга етади.

Ўзбекистон энергетика тармоғини модернизация қилиш натижасида 2026 йилгача давлат-хусусий шериклик асосида умумий қиймати 12 миллиард долларлик 29 та лойиҳа ишга туширилиши таъкидланди. Улар қўшимча 71 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини яратади, йилга 12 миллиард куб метр табиий газ тежаллади.

Давлатимиз раҳбари электр станциясини бунёд этишда қатнашган муҳандис ва курувчиларга миннатдорлик билдирди. Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоган рамзий тугмани босиб, Қибрай туманидаги иссиқлик электр станциясини ишга туширди ва Ховос туманидаги иссиқлик электр станциясини қурилиши бошлаб берди.

Қибрайдаги ИЭС қуввати 240 мегаватт бўлиб, йилга 2 миллиард киловатт-соат энергия ишлаб чиқаради.

Ховос туманидаги янги иссиқлик электр станцияси 220 мегаватт қувватга эга, унда йилга 1 миллиард 700 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Олий даражадаги музокара-лар якунланган, ҳужжатларини имзолаш ва алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши якунлари бўйича Қўшма баённо имзоладилар.

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида кўп қиррали Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 9 та ҳужжат имзоланди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 28 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги 154-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган УРҚ-582-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11,

790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **38-моддасида** «шунингдек Марказий банк тасарруфидаги ташиқлотларнинг» деган сўзлар «Қимматли қозғалар марказий депозитарийсининг, шунингдек Марказий банк тасарруфидаги ташиқлотларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

(Давоми 2-бетда).



### Акс садо

#### ҚАРДОшлиК ТУЙҒУЛАРИ, ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР МАДАНИЙ ЗАМИНГА ЭГА

Сўнгги йилларда Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мустақамлаш рабобиталар эса келажагимизга бўлган ишончнинг мустақамлашдир. Биламиз, жаҳон сиёсати ноаниқлик даврига кириб бораётган бир пайтда ҳар бир мамлакат кўпроқ дўстларга эътиёб сезади. Биз Ўзбекистонни Туркиянинг асосий дўстларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Туркия ўртасида маданий алоқалар ўрнатилган дўстона муносабатларимизни мустақамлашнинг энг осон ва қафолатли йўлидир. Шу маънода, Туркиянинг ҳар қандай ҳамкорликка тайёр эканлигини таъкидлаш ўринали. Ота юртимиздаги ўзбек қардошларимизнинг ҳам худди шундай ҳис-туйғулар, фикр-мулоҳазалар юротаётганлигини билиш, кўриш бизни жуда қувонтиради.

Бугун дунёда, ҳатто ўзини барқарор қийта сифатида кўрадиган Европада ҳам, кўплаб геосиёсий инқирозлар юзага кел-

моқда. Ички тўқнашувлар, маҳаллий ва минтақавий урушлар мамлакатлар ресурсларини қайта тиклаб бўлмайдиган даражада йўқ қилиб юбориши мумкин. Афсуски, кўплаб қўшни ва дўст давлатлар бу борада катта муаммоларга дуч келишди.

Биз бугун ҳушёрликни қўлдан бой бермаган ҳолда, ҳамжихатликда ҳаракат қилиш керак бўлган даврга яшапмиз. Бундай пайтда ҳар бир давлатнинг ҳақиқий дўстлари бўлиши даркор. Туркия ва Ўзбекистон шундай вазиятда бир-бирига ишон-на оладиган икки давлатдир.



#### ХАЛҚЛАРИМИЗНИ БУЮК МАҚСАДЛАР БИРЛАШТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган аynи пайтда расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Давлатимиз раҳбари олиб бораётган оқилона ташиқ сиёсат юртимиз тараққиётида муҳим ўрин тутаетганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Гапнинг очиги, ҳозирги юз бераётгани эътиборга молик. Маскур сиёсат ўзига хослиги, томонлар манфаатларини ифодалаш, дўстлик ва самимийлик руҳи кучлиги билан ҳам ажралиб туради. Мамлакатимиз жаҳонда юз бераётган муаммоларга диплома-

тик ечим топиш гоёсини илгари сураётгани боис халқаро экспертлар эътиборини тортмоқда.

Едингида бўлса, 2016 йили Ўзбекистон — Туркия муносабатларида янги давр бошланди. Бу Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоган асос солган, икки халқни бир мақсад йўлида бирлаштириш, яқинлаштириш концепцияси билан боғлиқ. Мамлакатларимиз раҳбарларининг бу ташаббуси бутун турк дунёсида акс садо бермоқда. Бугунги нотинч замонда турк халқлари бирлиги, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, ўзаро алоқалари ва қардошлик ришталари мустақамлаб бораётганини алоҳида айтишни истардик.



Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИКорпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати  
билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига  
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 5, 90-модда; № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар; № 4, 156, 164-моддалар; № 8, 367-модда; № 9, 416-модда; № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда; № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар; № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; № 9, 510-модда; № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; № 4, 224-модда; № 7, 433-модда; № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар; № 5, 267-модда; № 10, 671-модда; № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар; № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда; № 10, 968-модда) **70-моддасининг олтинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Унитар корхона раҳбари, шунингдек агар бу корхонанинг уставида назарда тутилган бўлса, қузатув кенгаши унинг бошқарув органидир. Унитар корхонанинг раҳбари ва қузатув кенгаши мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда уларга ҳисоб беради».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари химоя қилиш тўғрисида**»ги 223-сонли Қонунга (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдон қабул қилинган УРҚ-370-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда; № 7, 449-модда; № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

- 1) 13-модданинг:** **учинчи қисми** чиқариб ташлансин; **тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;
- 2) 22-модда** чиқариб ташлансин;
- 3) 42-модданинг:** **учинчи қисми** чиқариб ташлансин; **тўртинчи – тўққизинчи қисмлари** тегишинча **учинчи – саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;
- 4) 44-модданинг:** **учинчи қисми** чиқариб ташлансин; **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари** тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;
- 5) 60-модданинг:** **тўққизинчи қисми** чиқариб ташлансин; **ўннинчи қисми тўққизинчи қисм** деб ҳисоблансин;
- 6) 62-модда:** **иккинчи қисми** чиқариб ташлансин; **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин; **иккинчи қисмининг олтинчи хатбоши** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик қўрилайётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби»; **учинчи қисмидаги** «ва давлат вакилига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- 7) 64-модда биринчи қисмининг:** **бешинчи хатбошидаги** «ва давлат вакилига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- 8) 67-модда:** **номидаги «ва давлат вакилига»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- 9) 76-модданинг:** **биринчи қисмидаги** «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- ўн учинчи қисми** чиқариб ташлансин;
- 10) 78-модданинг:** **бешинчи қисми** чиқариб ташлансин; **олтинчи – ўн биринчи қисмлари** тегишинча **бешинчи – ўннинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;
- 11) 79-модданинг саккизинчи қисмидаги** «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

- 12) 89-модданинг бешинчи қисмидаги** «ўн» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилсин;
  - 13) 107-модданинг:** **биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти устидан назоратчи амалга ошириш учун жамият уставида жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) назарда тутилиши мумкин»; қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Тафтиш комиссияси (тафтишчи) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади»; **иккинчи – тўққизинчи қисмлари** тегишинча **учинчи – ўннинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.
- 4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Масъулият чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида**»ги 310-сонли Қонунга (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда; № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда; № 12, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 1-модда; № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:
- 1) 39-модда:** **учинчи қисми** чиқариб ташлансин; **тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин; қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорига қўра жамият ижроия органининг ваколатлари шартномага қўра тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчи) берилиши мумкин. Тузилмадан шартноманинг шартлари жамият қузатув кенгаши томонидан, қузатув кенгаши мавжуд бўлмаганда эса, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдикланади»;
  - 2) 45-модда:** **биринчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин; **иккинчи қисми** «жамият қузатув кенгашининг аъзолари билан» деган сўзлардан кейин «ишончли бошқарувчи билан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
- 5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «**Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида**»ги

- УРҚ-163-сонли Қонунга (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган УРҚ-387-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2015 йил, № 6, 227-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 3, 166-модда, № 4, 199-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 10, 968, 973-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:
- 1) 33-модданинг биринчи қисми** «Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки» деган сўзлардан кейин «ва (ёки) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
  - 2) 39-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбоши** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Қимматли қоғозлардаги ҳисоб-китобларни ва қимматли қоғозларнинг уюшган савдосида қимматли қоғозларга доир битимлар натижалари бўйича пул маблағларидagi ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда амалга ошириш».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган «**Аудиторлик фаолияти тўғрисида**»ги УРҚ-677-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2021 йил, № 2, 146-модда) **36-моддасининг биринчи қисмидаги** «10 фоиз» деган сўзлар «беш фоиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкама: ҳукумат қарорини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органи ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда ҳожиати ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**8-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўра қиради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,  
2022 йил 29 март  
№ УРҚ—760ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИ  
РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

**Жумладан:** — Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим; — Давлат чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши ҳақида олдиндан ахборот алмашиш тўғрисидаги баённома; — Меҳнат ва бандлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми; — Суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик меморандуми; — Қурилиш соҳасида англашув меморандуми; — Соғлиқни сақлаш вази́рликлари ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган Харакатлар режаси; — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан Туркиянинг

«Анадолу» агентлиги ўртасида ҳамкорлик битими. Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида халқларимизни Наврўз байрами ва яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ойи билан табриклади. Миллатларимизнинг тарихи бирлиги ва бугунги яқинлигига эътибор қаратди. — Буюк Ипак йўлининг чорраҳаларида жойлашган юртларимиз қадимдан Осие, Европа ва Африка қитъаларининг қаровон йўллари туташган ҳудудлар си-

фатида шухрат қозongan. Ҳозирда турк қардошларимиз биздан минглаб километр олисда яшаётган бўлсалар-да, тилларимиз ва дилларимиз ниҳоятда яқиндир. Бизнинг тарихий илдишларимиз бир, бугунги оруз-интилишларимиз ҳам муштарак, — деди Ўзбекистон Президенти. Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгаши алоқалар ривожига катта ҳисса қўшаётгани, унинг бугунги йиғилиши муносабатлар тарихида янги саҳифа очгани таъкидланди. — Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ҳозирги юқори даражасидан келиб чиқиб, муносабатларимизни кенг қамровли стратегик шериклик мақомига кўтаришга келишиб олдик, —

деди Шавкат Мирзиёев. Мамлакатларимиз давлат-хусусий шериклик механизмидан ривожлантириш борасида яқиндан ҳамкорлик қилишдан ҳам манфаатдор. Утган йили Анқара ва Истанбулда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилган эди. Бу йил Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Туркия маданияти кунларини ташкил этиш режалаштирилган. Ўзбекистонда турк тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Тошкент давлат шарқшунослик университетида туркшунослик факультети самарали фаолият кўрсатмоқда. Яқинда Тошкентда барча туркий халқларнинг буюк маданий

мероси бўлган ноёб асар — «Дада Қўрқут китоби» ўзбек тилида тўлиқ ҳолда нашр этилди. Унлаб достонлардан иборат ушбу қимматли китоб аждоқларимизнинг шонли тарихи, отабобларимиз жасорати ва дошизмандлигидан дарак беради. Давлатимиз раҳбари ушбу китобни Туркия Президентига туҳфа қилди. — Сизнинг ташрифингиз ҳамкорлигимиз учун янги ва юксак имкониятлар яратишга жуда катта ҳисса қўшади. Ота ўртингиз эшикларни Сиз ва барча туркиялик қардошларимиз учун доимо очик, — деди Президентимиз. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған Кўксарой

қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчат ўтқазди. Бу йил Ўзбекистон билан Туркия ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилганига 30 йил, Стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилганига 5 йил тўлди. Ушбу ниҳол ҳамкорлик ривожидан янги давр бошланаётгани, муштарак эъзу ниятларнинг рамзи бўлди. Мазкур хиёбонда бошқа ҳамкор давлатлар раҳбарлари эккан дарахтлар ҳам бор. Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда. **Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎЗА мухбири.**

ҚАРДОШЛИК ТУЙГУЛАРИ,  
ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР  
МАДАНИЙ ЗАМИНГА ЭГА

Марказий Осиеда барқарорлик тисмоли сифатида намён бўлаётган Ўзбекистон Туркия учун ишончли дўст ва қардош давлат. Шунини таъкидлаш истадиқими, биз Ўзбекистоннинг сиёсий барқарорлиги, суверенитети ва хавфсизлигини Туркияни каби қадрлаймиз. Биз мана шундай мубҳам даврда дўстликнинг қадрини яқини биламиз. Ўзбек биродарларимиз билан доимо дўстона муносабатларда бўлишни хоҳлаймиз. Шу мақсадда Президентларимиз иштирокида мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик учун замин барпо этилмоқда. Айниқса, 2017 йилдан бери ўзаро жуда муҳим натижаларга эришдик. Бироқ ўқимиз давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни ифодалаш учун сиёсий ва иқтисодий алоқалар етарли эмас. Уйлайманки, биз умумий маданий заминга янада кўпроқ эътибор қаратсам, келажакда янада умидвор боқишимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни маданий алоқалар орқали мустаҳкамлашимиз мумкин бўлади. Умидбахш келажак учун зарур бўлган барча имкониятга эгадим. Айниқса, биз бир тил оиласининг фарзандларимиз. Тарихнинг турли давларида сиёсий ва иқтисодий муносабатларимиз фарқли тус олган бўлиши мумкин. Шунга қарамай, бизнинг умумий маданий сармоямиз замини мустаҳкам. Бу воситалар Ўзбекистон билан Туркияни бирлаштиришда давом этмоқда. Улўбқадан Али Қушчигача, ундан Фотих Султон Меҳмет ва Саҳни Сомон мадрасасигача бўлган илмий ва мада-

ний тарихимизни ким инкор эта олади? Имом Бухорий, Термизий, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино ва Умар Хайёмдек юлдўзлар билан безанган маданият ва тамаддун ҳавзасининг меросхўрлари эканлигини ким билмайди дейсиз? Бугун Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги алоқалар сиёсий ва стратегик жиҳатдан қандай маъно касб этишидан қатъи назар, шундай мустаҳкам маданий заминга эгаки, халқларимиз орасидаги қардошлиқ туйғуларни ҳамма дўстона алоқаларни жонлантириб туради. Бу мустаҳкам пойдевор устига янада соф, янада кучли бийро эриши бизнинг бугунги вазифамиздир. Бунинг учун, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри мулоқот ва ўзаро муносабат эшикларини янада кенроқ очиб керак. Ўзбекистоннинг овози Туркиядан, Туркиянинг овози эса Ўзбекистондан ҳеч қандай воситачисиз эшитилиши керак. Бизнинг мулоқотимиз давлатлараро муносабатлардан ҳам кўра кўпроқ жамиятлараро муносабатлар шаклига асослангани зарур. Мустаҳкам дўстлик ришталари ҳар икки давлат дуч келадиган геосиёсий ва геоиқтисодий муаммоларни енишда муҳим маданий сармоя бўлади. Дунёда ноаниқликлар ва хавф-хатарлар тобора ортиб бораётган бир пайтда ўзбек қардошларимиз билан бирга қадам ташлаш турк халқи ва давлати учун катта шарафдир.

**Фаҳреттин АЛТУН,**  
Туркия Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аxbорот ва коммуникациялар бошқармаси бошлиги, социология фанлари доктори, профессор.

ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИМИЗ  
МУШТАРАК

*Шу йилнинг март ойида Ўзбекистоннинг Туркия билан расмий дипломатик алоқалари ўрнатилганига 30 йил тўлди. Мазкур муҳдат оралиғида икки мамлакат ўртасида биродарлик ва қардошлиқ, иқтисодий соҳани ривожлантириш борасида йўлга қўйилган муносабатларга назар ташлайдиган бўлсам, алоқаларнинг янги босқич ва янги-ча қўрилиш касб этаётганига гувоҳ бўламиз. Бу бежиз эмас, албатта.*

## Муносабат

Зеро, Туркия дунёдаги БМТга аъзо бўлган 200 га яқин мамлакатлар орасида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган мамлакатгина бўлиб қолмай, балки истиқболли ҳамкорлик амалга оширилишида яқин кўмакчи ҳам бўлиб келяпти. Таъкидлаш жоиз, Туркия Президентининг юртимизга, давлатимиз раҳбарининг Туркияга расмий ташрифлари чоғидаги келишувлар мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ва дўстлик ришталари билан боғланган янги саҳифа очилишига замин яратди, десак, мумкин бўлаётган бўлмайди. Бугунги кунда мамлакатимизда хоржий капитал иштирокида фаолият юритаётган корхоналар умумий сонининг 12 фоизини турк капиталли иштирокидаги корхоналар ташкил этмоқда. Бунинг сабаби бун. Ўзбекистоннинг улкан бозори, тобора эркинлашган иқтисодиёти, қўлай инвестициявий муҳити, тарихий шаҳарлари ва муқаддас қадимжоларини Туркияда катта қизиқиш

уйғотмоқда. Туркиянинг турли соҳалардаги ютуқларини ўрганиш, илгор тажрибаларини амалиётда қўллаш, юртимизда амалга оширилайётган қўшма лойиҳаларга турк тадбиркорлари ва компаниялари сармояларини жалб қилиш мамлакатимиз манфаатларига тўла мос келади. Демак, ҳамкорликни мустаҳкамлашдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор. Ваҳоланки, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва унинг дунё микёсидаги рақобатбардошлигини ошириш таъқи шериклар билан саноат кооперацияси йўналишидаги ҳамкорликни кучайтириш, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, таъқи сармоялар ва юқори технологияларни кенг қўламада жалб қилишни талаб этилмоқда. Туркия дунёнинг 20 та йиллик иқтисодий ривожланган давлатларидан бири ҳисобланиши ва Ўзбекистон учун муҳим бўлган туризм, тўқимачилик, автомобилсозлик, қурилиш, озик-овқат саноати соҳаларида юқори натижаларни қўлга киритганлиги биз учун муҳим иқтисодий шерик

канлигини яна бир бор тасдиқлайди. Кундалиқ турмушимизда, айниқса, аёллар орасида энг харидорлик қилим-кечаклар мазкур мамлакатда ишлаб чиқариладиган бўлади. Савол туғилиши табиий: нима учун? Туркиянинг тўқимачилик ва заргарлик буюмлари саноати дунёдаги кучли бешталиққа қиради. Демак, кийим-кечак, тўқимачилик маҳсулотларининг сифати ҳам шунга яраша. Охириги йилларда мамлакатимизда ҳам айнан Туркия билан ҳамкорликда трикотаж ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар сонининг ошиб бораётганлиги, уларнинг асосий маҳсулотини экспортга йўналтирилганлиги ҳам маҳсулотларнинг сифати сайёҳлик хизматлари бозори сиғавоб бераётганлигидан далолат. Биргина бу эмас. Турк қурилиш ширкатларидан 44 таси жари микёсидаги етакчи 25 та қурилиш компаниялари рўйхатидан ўрин эгаллаган. Бу қўрсаткич ушбу мамлакат Хитой давлатидан кейинги иккинчи ўринда туририни ифодалайди. Турк автомобил саноати оддий автомобиллардан миллий электрон автомобиллар-



Яна бир жиҳат. Туркиянинг денгиз сарҳадлари билан чегараланганлиги, жадал ривожланмаган транспорт-коммуникация тизими ағалиги, Европа ва Осие қитъаларига географик қўшилиги, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг жаҳоннинг янги экспорт бозорларига чиқиш, шунингдек, миллий иқтисодиётни халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига ва маҳсулотлар таъминоти занжирига чуқур интеграциясини таъминлаш каби қатор стратегик мақсадлари икки мамлакатнинг ўзаро стратегик ҳамкорга айлантирмоқда. Шу кунларда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди. Ўзбекистон ва Туркия етакчилари ўтказадиган музокараларнинг кун тартибидан икки томонлама дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган. Муҳтасар айтганда, Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг кенг кулоч ёйиши икки мамлакат алоқаларининг янада ривожланишига, иқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. **Феруза НИҒМАТОВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.



